

# Qishloq hayoti

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

2024-yil 1-avgust, payshanba

№ 31 (9299)

e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru

@Qishloqhayoti\_gazetasi

## ЖИЗЗАХ ҚОВУНЛАРИ ЕВРОПАГА ЭКСПОРТ ҚИЛИНМОҚДА

Мирзачўл қовунлари азалдан ўз доврўғига эга. Деҳқон ва фермерлар қовун етиштириш ишларини ривожлантириш йўлида астойдил меҳнат қилиб, қовунларнинг янги навларини яратиб, маҳсулотдан мўл ҳосил олмоқда.



Жиззах вилояти Шароф Рашидов тумани ҳудудида жойлашган "BMB-NRC Agrolistics" мажмуаси замнинмизда, хусусан, "BMB Agro"нинг Арнасой далаларида етиштирилган мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларини хорижга экспорт қилишда кўмакчи бўлаётганини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Мирзачўл чўллари ҳудудидаги Арна-



сой тумани бобо деҳқонлари етиштирган қовунлар халқаро экспорт талабларига мувофиқ агрологистика мажмуасида +5 даражали ҳароратда сақланиб, тегишли тартибда сараланиб, қадоқланмоқда ҳамда барча божхонага оид ҳужжатлар мажмуанинг ўзида расмийлаштирилиб, тўғридан-тўғри хорижга экспорт қилинади.

"BMB-NRC Agrolistics" мажмуасида

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг Европага экспорти мунтазамлик касб этаётгани барчасидан қувонари.

Яқиндагина Арнасой далаларида етилиб пишган бетакрор ширали қовунларнинг навбатдаги партияси, айнан "BMB-NRC Agrolistics" мажмуаси орқали Латвия давлатига экспорт қилинди.

А.ҚАҲОМОВ, Ж.ЎРБЕКОВ (сурат), ЎЗА.



### ЖУРНАЛИСТЛАР ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА

Нурафшон шаҳрида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ҳамда Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида "Оммавий ахборот воситаларида миллий контент яратиш масъулияти" мавзусида республика медиа-форуми ўтказилди.



"Бир бўлсак – ягона халқимиз, бирлашсак – Ватанмиз!" шiori остида ташкил этилган мазкур тадбирнинг биринчи кунинда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан ОАВ вакиллари, блогерлар, шунингдек, Тошкент вилояти ҳокимлигининг масъул ходимлари қатнашди.

Медиа-форумни Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси вазифини бажарувчи Холмурод Салимов кириш сўзи билан очди. Унда бугунги ахборот майдонини сифатли ва рақобатбардош миллий контент билан тўлдириш масаласи ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлаётгани, юртимиз ва дунёда юз бераётган воқеа-ҳодисаларни миллий манфаатларимизни ҳисобга олган ҳолда, тезкор ва ҳолис таҳлиллар асосида ёритиш долзарб аҳамият касб этаётгани алоҳида таъкидланди.

(Давоми 2-саҳифада)

### НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

## МУРОЖААТЛАР ЎЗ ЕЧИМИНИ ТОПМОҚДА

Косонсой туманида мурожаатлар билан ишлашни яхшилаш, аҳоли розилигини таъминлаш, фуқаролар эътирозига сабаб бўлаётган мурожаатларни бартараф этиш, олиб борилаётган ислохотларни аҳолига етказиш ва мурожаатларнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар тизимли равишда амалга ошириб келинмоқда.



Туманимиз аҳолиси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал Халқ қабулхонаси орқали ҳамда сайёр қабулларда жорий йилнинг олти ойи давомида 3877 та мурожаат келиб тушган бўлиб, шундан 1548 таси ижобий ҳамда 1687 таси ҳуқуқий маълумот бериш орқали ҳал қилинишига эришилди. Мурожаатларда қайд этилган долзарб муаммолар ҳамда энг кўп такрорланаётган масалалар соҳалар бўйича таҳлил қилингандан, асосан алимент ундириш сўрови, муҳтожларга бир марталик моддий ёрдам, 18 ёшгача болалар нафақаси, уй-жой билан таъминлаш, тиббий ёрдам кўрсатиш, мутахассислиги бўйича ишга кириш, кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш масалалар энг кўп кўтарилган.

(Давоми 3-саҳифада)

## КЎҲНА ВОҲАНИНГ ЯНГИ МАНЗИЛЛАРИ

Хоразм томон йўлга чиққан пойтахтлик ёки хорижий меҳмонлар минг километрлар йўл босгач, қадимий заминга қадам қўяди.

Йўл узок. Машинада йўлга чиққан йўловчи Бухорои шарифдан ўтган, чексиз қумликларга дуч келадики, гўё бу қумликларнинг адоғи йўқдек. Хоразм дегани фақат қумликлардан иборат экан-да, деб ўйлаши ҳам табиий. 6-7 соатлар қум кечиби, яшилликка бурканган замин – Хоразмга кириб келасиз. Тупроққалъа, Ҳазорасп, Богот, Хонқа туманларидан ўтиб, ниҳоят Урганч шаҳригачасиз.

Дунё сайёҳларини ҳам лол қолдираётган, кундан кунга гўзаллашиб, яшариб бораётган қадим воҳанинг шаҳару қишлоқларини кўриб, ҳайратингизга ҳайрат қўшилиши табиий. Ҳақиқатан ҳам кейинги 5-6 йилда Хоразм шаҳару қишлоқларининг қиёфаси тубдан ўзгарди. Ҳамма жойда кенг қўламда олиб борилаётган бунёдкорликлар, "Янги Ўзбекистон" массивларининг бунёд бўлиши, у ерда қад рўстлаётган кўп қаватли, осмонўпар бинолар кўзни қувонтиради. Энг



муҳими, бу ўзгаришлардан, бунёдкорликлардан эл хурсанд.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг шонли 33 йиллигини муносиб қаршилаётган хоразмлик қурувчилар ҳозирданок

тайёр бўлган турар жой ва бошқа объектларни фойдаланишга топширишга киришди. Бу эса улардан байрамга муносиб совға бўлди. Қолган объектларда эса ишлар қизгин.

(Давоми 3-саҳифада)

### ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

### Яшил олам бунёдкорлари

## ФИДОКОРОНА МЕҲНАТНИНГ ЁРҚИН ЭЪТИРОФИ

Яқин вақтларга қадар ўрмончилик соҳасига анчайн паст назар билан қараб келингани ҳеч кимга сир эмас. Тармоқ таъбир жоиз бўлса узок йиллар ўз ҳолига ташлаб қўйилди.

Бунинг натижасида тасарруфдаги қатор хўжаликларда ўзибўларчилик, бошбошдоқлик авж олди. Техник жиҳатдан заифлик туфайли янги ерларни ўзлаштириш, иқлимимизга мос дарахт қўчатларини етиштириш, лўнда қилиб айтганда, яшил майдонларни кенгайтиришда жиддий оқсашлар кузатилди. Энг ачинарлиси, тизимда аси мутахассислар танқислиги ошқорасезилди. Яширишнинг ҳожати йўқ, ҳатто баъзи жойларда ахвол шу даражага етдики, юқори лавозимларда фаолият юритиб, хатога йўл қўйган айрим амалдорларни гарчи ихтисослиги бутунлай бошқа бўлса-да жазо тариқасида ўрмон хўжаликларидан вазибаларга тайинлаш одат тусига кирди. Шу тариқа тармоқ ислоҳи ва ривожини узок вақт депсиниб келди. Бугунги атраф-муҳитнинг кескин ифлосланиш даражаси, яшил олам қўламини эндиликда аста-секин тўлдирилаётган бўшлиқларни мушоҳада қилиб, булар ўша даврларда соҳада йўл қўйилган мана шундай жиддий масъулиятсизликларнинг оқибати эмасмикин, дея ўйлашиб қолади киши. Яхшиям муаммога ўз вақтида муносиб ечим қўлланилди. Давлатимиз раҳбарининг эзгу ташаббуси билан кичик бошқарманинг йирик қўмитага айлантирилганлиги ва унинг олдига муҳим вазибаларнинг қўйилганлиги ўрмончилик соҳаси ривожига ёруғ истикболларни очиб берди. Бу борада айниқса, Президентимизнинг

2020 йил 6 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси ўрмон хўжалиги тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ҳаётбахш қарори тизимни тубдан ислоҳ қилишда ўзига хос дастуриламалга айланди. Соҳага ишнинг кўзини биладиган, ислохотчи кадрлар жалб этила бошланди. Тошкент давлат ўрмон хўжалиги янги раҳбар этиб тайинланган Мирзоқир Фозилон ҳам ана шундай иқдидорли етакчилардан. Унинг бошчилигида ўтган давр мобайнидаги ишларни синчиклаб таҳлил қилар эканмиз, қўлаб ижобий натижаларга гувоҳ бўлдик. Хўжалик тасарруфида 5 та ўрмончилик бўлимлари мавжуд бўлиб, улар ихтиёридаги яшил майдонлар қарийиб 4410 гектарни ташкил этади. Авваллари мазкур бўлимларнинг аксарияти фаолиятида қўлаб нуқсонлар учурарди. Техникаларнинг етишмаслиги, мавжудларининг ҳам носозлиги ерларга ишлов бериш, ўрмонзорларни кенгайтиришда қўлаб қийинчиликларни келтириб чиқарарди. Янги раҳбар ташаббуси билан бўлимларга қўшимча агрегатлар келтирилди, носозлари етарлича эҳтиёт қисмлар билан таъминланиши ҳисобига ишга тўлиқ жалб этиладиган бўлди. Жамоада меҳнат интизомини мустаҳкамлаиб, инсон омиллига бўлган эътибор ҳар қачонгидан-да кучайтирилди.

(Давоми 2-саҳифада)



Вилоят раҳбари унга янги хизмат машинаси совға қилмоқчи бўлди  
Камтарин раҳбар эскироқ бўлса ҳам хизмат машинаси борлигини айтди...



## ЖУРНАЛИСТЛАР ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА

(Боши 1-саҳифада)

Тадбирда "Жаҳон адабиёти" журнали бош муҳаррири Аҳмадjon Мелибоев, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Бош директорнинг биринчи ўринбосари Хушнуд Худойбердиев, "Янги Ўзбекистон" – "Правда Востока" бирлашган тахририяти бош муҳаррири ўринбосари Абу-бақр Урзовнинг маърузалари тингланган.

Эркин мулоқот тарзида ўтган медиа-форумда сўз олган журналистлар мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари билан тақлиф ва тавсияларини билдирди.

Шундан сўнг журналистлар Нурафшон шахрида кейинги йилларда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишди. Хусусан, Ёшлар марказида фаолият олиб бораётган "Ёшлар кундалиги" махсус саҳифалар медиа-лойиҳасининг

ёш ижодкорлари билан суҳбат ўтказилди. Зулфия Зокирова ва унинг фронтдан қайтмаган ўғиллари, садоқатли келинлари хотирасига барпо этилган "Матонат мадҳияси" ёдгорлиги зиёрат қилинди.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмиси Тошкент вилоят бўлими маъмурий биноси, ходим ва ижодкорлар учун яратилган шароитлар, 10000 га яқин китобга эга кутубхона фаолияти, Уюшманинг вилоят бўлими қошида ташкил этилган "Нурафшон зиёси" – ёш журналистлар тўғрисида фаолияти билан яқиндан танишилди.

Шу ерда матбуот ва медиага оид мавзуларда қизгин мунозаралар бўлди. Унда Тошкент вилоят ҳокими Зоир Мирзаев қатнашди.

А.МУСАЕВ,  
ЎЗА мухбири.



(Боши 1-саҳифада)

– Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан мамлакатимиз миқдосида бошланиб, йилдан йилга авж олаётган "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси ижросини таъминлаш биринчи навбатда ўрмончилар зиммасига катта масъулият юклатмоқда, – дейди Мирзокир Фозилов. – Сабаби, жойларда экилаётган деярли барча мевали ва манзарали дарахт кўчатларини соҳа ишчи-хизматчилари етиштириб бермоқда.

Ушбу жараёнда Тошкент давлат ўрмон хўжалиги фаолиятида эътирофли мисоллар бор. Жумладан, ўтган даврда 5 та бўлимда 74 гектар майдонда янги маданий ўрмонзорларга асос солинди. Турли хил мевали ва манзарали дарахтлардан жами 6,5 тонна уруғ териб олинди, Дўнгқўрғон бўлимида ташкил этилган 27 гектарлик интенсив кўчатхоналарда сифати кафолатланган жами 3 миллион туп ниҳоллар етиштирилди. Лойиҳанинг баҳорги босқичида вилоятнинг 22 та шаҳар ва туманларидаги ташкилот ҳамда корхоналар шартнома асосида, талаб миқдоридан кўчатлар билан таъминланди. Бундан ташқари, вилоятдаги умумтаълим мактабларига 120 минг туп, мактабгача таълим муассасаларига 8979 туп, вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармасига

## ФИДОКОРОНА МЕХНАТНИНГ ЁРҚИН ЭЪТИРОФИ

82 минг туп, 137 та маҳаллага жами 27 минг 400 туп маҳаллий шароитга мос ниҳоллар ўрмон хўжалиги ҳисобидан бегараз етказиб берилди. Вилоятда пиллачилик тармоғининг йилдан йилга кенгайиб бораётганлиги алоҳида ҳисобга олиниб, озуқа манбаини янада такомиллаштириш мақсадида 2 миллион туп саряпроқ туп кўчатлари етиштирилиб, Оққўрғон, Пискент, Оҳангарон ва Бўка туманларидаги фермер хўжаликларининг дала четларига хўжалик ишчи-хизматчилари томонидан экилди. Шунингдек, йўл бўйларига 1 миллион тупдан зиёд қурилишбоп, тез ўсувчи терак ниҳоллари қадалди. Ушбу хайрли ишларни ташкил этиш ва амалга оширишда Мирзокир ака етакчилигида раҳбар ўринбосари Абдор Раимов, мутахассислар Сурайё Исоева, Наргиза Мирқобилова, бўлим бошлиқлари Шухрат Дадажонов, Козим Турғунов ҳамда кўчатхона раҳбари Элёр Тошматовлар алоҳида намуна бўлдилар.

– Раҳбаримизнинг ишбилармонлиги, мавжуд



ерлардан унумли фойдаланиш бўйича талабчанлиги аҳоли бандлигини таъминлаб, янги иш ўринлари яратишда ҳам қўл келмоқда, – дейди хўжалик муҳандиси Сарвар Мўминов. – Бу борада 706 гектардан зиёд майдонлар турли йўналишларда шартнома асосида аҳолига тақсимлаб берилган. Улар орасида балиқчилик, чорвачилик, парандачилик, кўчатчилик ҳамда бир қисми тасарруфимизда бўлган сўлим маскан – Тошкент денгизининг қирғоғида сайёҳлик йўналишида фаолият кўрсатаётганлари ҳам бор.

Жамоа ҳаётига оид бу каби ибратли мисолларни қўлаб санаб ўтиш мумкин. Яна хўжаликнинг ўзидан ички имкониятлардан унумли фойдаланилиб, асарличилиги

ва чорвачиликни ривожлантиришга асос солинганлигини ҳам таъкидлаш мумкин. Айни вақтда жамоанинг 200 уя асарлиси, 150 бош майда туюқли ҳамда 30 бош йирик шохли чорваси бор.

Тошкент давлат ўрмон хўжалиги вилоятдаги ҳар бир тадбир ва ҳашарларда ҳам фаол. Хусусан, Мирзокир Файзиевнинг Пискент туманидаги "Обод маҳалла" дастурига тушган Сувти қишлоғини ободлаштириш ва кўкалмзорлаштириш жараёнидаги фаоллиги, Бўка туманида кам таъминланган 5 та оиланинг хонадонини таъмирлаб беришдаги хизматлари алоҳида таҳсинга сазоворлиги шахсан вилоят ҳокими Зоир Мирзаев томонидан аҳтиром билан тилга олинди. Ҳатто бир гал вилоят раҳбари унинг хизматларини рағбатлантириш мақсадида Мирзокир акага янги хизмат машинаси совға қилмоқчи бўлди. Камтарин раҳбар эскироқ бўлса ҳам хўжаликда хизмат машинаси борлигини, лекин баъзи ҳудудларга экилган ниҳолларни суғориш учун сув ташини машинаси зарур бўлаётганлигини билдирди. Илтимоси инобатга олиниб, хўжаликка махсус сув ташини автомашинаси совға қилинди.

Унинг яшил олам бунёдкори сифатидаги хайрли ишлари эса, алоҳида таҳсинга лойиқ. Ҳалол меҳнатларининг холис эътирофи сифатида қаҳрамонимиз "Ўрмон хўжалиги фидойиси" кўкрак нишонини билан тақдирланди. Вилоят ҳокими Мирзокир Файзиевнинг кўксига нишонини тақиб қўяр экан, унинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини алоҳида эътироф этди.

Иброҳим ТОШЕВ,  
"Qishloq hayoti" мухбири.



## БАРАКА УРУҒЛАРИНИНГ ҚАНДАЙ САҚЛАНИШИ ЭРТАНГИ ҲОСИЛНИНГ ЧЎҒИНИ БЕЛГИЛАБ БЕРАДИ

Қишлоқ хўжалиги вазири Иброҳим Абдураҳмонов 2025 йил ҳосили учун ғалла уруғлигини тайёрлаш ва яқин кунларда Тожикистон Республикасига амалга ошириладиган хизмат сафарига тайёргарлик кўриш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.



Унда келтирилганидек, айни пайтда республика бўйича жами 84 та уруғлик дон сақлаш цехлари фаолият кўрсатмоқда. Улардан 57 таси эски дон цехлари бўлгани бонс, тозалликка амал қилиш, турли навларга мансуб уруғларни сақлаш бўйича баъзи камчиликлар мавжудлиги эътироф этилди. Маълум бўлишича, айни пайтда жами 71 навга мансуб 256 793 тонна уруғлик дон мавжуд бўлиб, шундан хорижий нав уруғлари 176 803 тоннани ташкил этади.

Вазир Иброҳим Абдураҳмонов ҳар бир дон цехида тозалликка алоҳида эътибор қаратиш ҳақида тўхталар экан, кўзга кўринмайдиган зараркундаларга қарши курашиш, кимёвий препаратлар билан дорилаш, уруғликларнинг тиним даврини ўташи учун мақбул усуллардан фойдаланиш бўйича ўз тавсияларини бериб ўтди.

Йиғилишда илмий-тадқиқот институтлари олимлари томонидан ҳам серҳосил барака уруғларини танлаш, уларни саралаб қадоқлаш, дехон ва фермерларга етказиб бериш жараёнини шаффоф тизим асосида йўлга қўйиш, хорижий нав уруғларини саралаш борасида жўяли фикрлар билдирилди.

Шунингдек, йиғилишда янги мавсумда республика бўйича махсус музлаткичи омборхоналарда тиним даврини ўтаган барака уруғларини алоҳида конгүрларда тажриба синов тариқасида етиштириб кўриш бўйича аниқ вазифалар белгилалиб, бу борада масъулларга тегишли кўрсатмалар берилди.

Йиғилиш кун тартибидан кинкинчи масала – Тожикистон Республикасига хизмат сафарига тайёргарлик жараёни ҳақида ҳам масъулларнинг ахбороти тингланлиб, икки кўшни давлат манфаатларига бирдек мос келувчи лойиҳаларни ишлаб чиқиш, дон ва дуккакли экинлар етиштириш, боғдорчиликни йўлга қўйиш ва илм-фан йўналишида ҳамкорлик лойиҳалари пакетини шакллантириш бўйича тегишли кўрсатмалар берилди.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги  
ахборот хизмати

## КОРЕЯ БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

"Корея Республикаси – Марказий Осиё" ҳамкорлик форуми котибияти ижрочи директори Ли Жонг Гук бошчилигидаги делегация бугун Сув хўжалиги вазирлигига ташриф буюрди.

Вазир Шавкат Хамраев меҳмонларни ташриф билан қутлади. Давлатимиз раҳбари томонидан соҳага қаратилаётган эътибор, олиб борилаётган ислохотлар, хусусан, Концепцияда қўйилган вазифалар ижроси, сув хўжалигида замонавий бошқарув тизимини жорий этиш самаралари ҳақида гапириб берди.

Корея Республикаси билан сув хўжалиги соҳасида олиб борилаётган ҳамкорлик ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди. Хусусан, Корея Республикасининг сув ресурслари давлат корпорацияси (K-water) билан халқаро сув форумлари ва анжуманлар доирасида ҳамкорлик қилиб келинаётганлигини, KOISA агентлигининг грант маблағлари ҳисобига республикамиздаги йирик сув хўжалиги объектларига 61 та "Ақли сув" қурилмалари ўрнатилганлигини таъкидлади.

Сув – бу оби ҳаёт эканлигини айтиб, Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва минтақа давлатларининг сув бўйича вазирлик ва идоралари ўртасида йўлга қўйилган дўстона алоқалардан Корея Республикаси билан муносабатларни мустаҳкамлашда платформа сифатида фойдаланишни тақлиф этди.

Ўз навбатида "Корея Республикаси – Марказий Осиё" ҳамкорлик форуми котибияти ижрочи директори Ли Жонг Гук самимий қабул учун миннатдорлик билдирди, Корея томони



Ўзбекистон билан ҳамкорликни мустаҳкамлашдан манфаатдор эканлигини қайд этди.

– Ҳақиқатдан ҳам сув – бу оби ҳаёт. Халқнинг, миллатнинг тақдири ушбу ресурсга боғлиқ. Шу сабабли ҳам Кореяда сув давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади, – деди Ли Жонг Гук.

Учрашувда Корея Республикасининг сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, инфратузилмасини ривожлантириш бўйича олиб бораётган ишлари ҳақида ахборот берилди.

Сув хўжалигини рақамлаштириш, илгор технологияларни ўзлаштириш, тажриба алмашиш, малака ошириш дастурларини йўлга қўйиш тўғрисида фикрлашиб олинди.

Сув хўжалиги вазирлиги  
ахборот хизмати



## ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ АКТИВЛАРИ САМАРАДОРЛИГИ ҚАНДАЙ ОШИРИЛАДИ?

Биласизми, юртимиз банкларига қўйилган депозитларнинг 70 фоизи қисқа муддатли бўлгани ҳолда, кредитларнинг 90 фоизи узоқ муддатга берилган.

Шунингдек, тижорат банкларидан трансформация ризиқи чуқурлашиб кетган. Бундан ташқари, тижорат банкларининг қиммати қоғозлар билан амалга ошириладиган инвестицион операциялари ривожланмаган. Халқаро банк активлари самарадорлигидаги турли хил номутаносибликлар халқаро банк секторидан инқирозга ва халқаро иқтисодий ўсишнинг пасайишига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, бир қатор ривожланган мамлакатларда ишлаб чиқаришнинг пасайишига, ишсизликнинг ўсишига ва банкларнинг банкротлигига олиб келади. Шу нуқтага назардан, халқаро миқёсда банк тизимининг механизмларини ўрганиш, халқаро банк активларини шакллантириш ва тақсимлаш тамойилларини ўрганиш долзарб масалалардан биридир.

Тижорат банклари кредит портфелининг сифатини оширишда кредитларнинг ресурс таъминоти муҳим ўрин тутади. Бунда банклар кредитлари учун ресурс таъминотининг энг барқарор қисми бўлиб, муддатли депозитлар ва жамғарма омонатлари ҳисобланади. Тижорат банкларининг узоқ муддатли кредитлаш амалиётини такомиллаштиришга тўқсизлик қилаётган асосий омил бўлиб, банкларда узоқ муддатли ресурсларнинг етишмаслигидир. Банкларнинг инвестицион кредитлар бериш имкониятини ошириш учун аввало уларнинг депозит базасининг етарлилигини таъминлаш лозим. Хусусан, бутунг кунда банклар амалиётида банк назорати бўйича Базел қўмитасининг тавсияларини асосида стресс тестлари орқали банкнинг молиявий ҳолатини баҳолашнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Ушбу усул ликвидлик даражаси, операция фаолият, бозор қиймати, бошқарув ва хатарларни баҳолаш тизими каби омилларнинг активлар самарадорлигига сезиларли таъсирини аниқлашга имкон беради.

Тадқиқотимиз давомида банк операциялари самарадорлигининг услубий асосларининг умумий жиҳатларини ўрганиш, "банк активлари" ва "банк активлари операциялари"ни банк операциялари самарадорлигини аниқлашнинг асосий мезонлари сифатида таснифлаш, "банк активлари самарадорлиги" тушунчасини аниқлаштиришга эътибор қаратганмиз.

Фикримизча, банк активлари самарадорлигини ошириш нафақат банк тизимини, балки бутун иқтисодиётни ривожлантиришга олиб келади. Ушбу жараёнда тижорат банкларидан активлар самарадорлигининг пасайиши вақиллик ҳисоб варақларида ресурсларнинг етишмаслигига, банкнинг молия бозоридан мавқеининг пасайишига, мижозларнинг банкка бўлган ишончсизлиги ва норозилигининг кучайишига олиб келиши мумкин. Банклардаги активларнинг бузилиш даражасининг ошиши иқтисодиётнинг турли соҳаларида ишлаб чиқариш суруятларининг пасайишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида ишсизликнинг кўпайишини келтириб чиқаради.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ўтган йили мамлакатимизда банк ҳисобварақларига масофавий хизматлардан фойдаланувчилар сони юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар орасида деярли 3 баробарга ошган. Банк хизматлари аста-секин ўсиб бормоқда, аммо аҳолининг катта қисми ҳали ҳам асосий банк маҳсулотлари билан таъминланмаган. Шуларни ҳал қилиш учун замонавий дастурий таъминотдан самарали фойдаланган ҳолда банк маҳсулотлари турларини кенгайтириш ва аҳолига сифатли хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш зарур. Ривожланган мамлакатлар тижорат банклари бир неча йиллардан буён замонавий инновацион дастурий таъминот ва тизимдаги махсус платформалар асосида фаолият юритиб келмоқда. Европа ахборот технологиялари корпорацияси томонидан ўтказилган тадқиқотга қўра, келгуси 5 йил ичида банкнинг келажаги учун тўртта трансформацион муаммо ва имкониятлар мавжуд. Мижозларнинг кенг эҳтиёжларини қондириш, нархларни оптималлаштириш, янги даромад оқимларини яратиш шулар жумласидандир. Сирасини айтганда, банк секториданги инновацион технологиялар келажақда ҳаракатлантирувчи куч бўлади, улар бозорда рақобатбардор бўлиш ва бозор эҳтиёжларини қондириш учун ўзларини қайта аниқлай олади.

Мусурмон ХОЛМУРОДОВ,  
Тошкент амалий фанлар университети  
Банк иши кафедраси мустақил тадқиқотчиси.



У ўз касбига бўлган муҳаббати туфайли элда обрў топди

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

“Норинкапалик шоира қиз”

Норин тумани ҳақида гап кетганда унинг бетакрор табиати, ўнг ва сўл томондан оқиб ўтиб, пойида азим Сирдарёни ҳосил қилувчи Қорадарё ва Нориндарё мавжлари, унга обиҳаётини қуювчи зиллол булоқлари, жўшқин сойлари, бепоеён дала-боғлари ҳақида фақат тўлиб-тошиб гапириш, илҳомланиб, шеър устозлар битиш мумкин.

Шундан бўлса керак, ушбу тумanning Норинкапа қишлоғида камолга етаётган, бугун биз исм-шарифини тилга олаётган ижодкор кизимиз ҳам ҳали ёш бўлишига қарамадан шеърятга дадил қадамлар қўймоқликни мақсад қилиб турибди. Устозлари, мактабдош ва маҳалладошларида катта умид уйғотиб, шеърлар ёзишга меҳр қўйган, “норинкапалик шоира қиз” номи билан аллақачон танилиб улгурган Адибахон Ғофуржоновна ўрта мактабнинг 6 синфида ўқийди. Бобосию бувиси ва устозларининг қўллаб-қувватлаши, кўмагида “Ижодкор ёшлар” тўғрарининг фаолига айланган. Унинг ватан, она, табиат, бахтли болаликни тараннум этувчи сатрларини ўқисангиз, ўзбек шеърятининг таниқли шоирлари йўл солган заҳматли сўқмоқларидан баланд

довонларни кўзлаб келаётган баркамол авлод вақилининг дадил одимини қалбдан ҳис этасиз. Тўғри, болаликда кўпчилигимиз ҳам қўлимизга қалам тутиб, шеърлар битишни, ижодкор сифатида элга танилишни орзу қиламиз. Бундай бахт барчага ҳам насиб этавермайди. Аммо Адибахоннинг шеърларини ўқир экансиз, унда янги ташбеҳлар борлигига ишонч ҳосил қиласиз. Шундай экан, биз унинг ижодига оқ йўл тилаш билан бир қаторда, ўз орзу-мақсади йўлида ҳали кўп ўқиши, изланиши лозимлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Демак, унинг эртаси, келажаги энг аввало, ўзининг сазй-ҳаракатига боғлиқ.

Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ, шоир, “Эл-юрт хурмати” ордени соҳиби.



Адибахон ҒОФУРЖОНОВА

ЎЗБЕКИСТОН ЯГОНА

Ватан не, сўрасалар, Жавобим донна-донна. У менинг буюк тахтим, У бебаҳо, ягона.

Ватан не, сўрасалар, Бир юрт борки, дурдона. Қалбимда улур аҳдим, Хизмат қилгум мардона.

КИТОВ

Китоб – илм, дер устоз, Дўст тутин, кам бўлмайсан. Китоб – бизга қўш қанот, Фазоларни қучгайсан.

Китоб – офтоб, дер бобом, Қалбларни ёритади. Китоб – кудрат, дер момом, Армонни арштади.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

Орамиздаги одамлар

У ёшлигидан ҳайдовчилик касбига меҳр қўйди

Ҳаётда турли хил касблар бор. Инсон яшар экан, маълум бир касб ёки ҳунар эгаси бўлишга интилади. Ҳар бир касбнинг ўзига яраша завқли ва машаққатли томонлари бўлади. Кимки ўз касбини севар экан, ундан баракат топади ва кўзлаган мақсадига эришади.



Касбнинг катта-кичиги бўлмайди. Ҳар бир касбнинг улуглиги ва жамиятга келтираётган фойдаси касб соҳибининг салоҳиятига, имон-этиқоғига ва самимиятига боғлиқ. Биз фикр юритмоқчи бўлганимиз, шарафли ва машаққатли касб соҳиби, ўз ишининг устаси, ҳайдовчи Шуҳратжон Муродовдир.

Шуҳратжон Муродов 1965 йил Каттакўрғон тумани Қорадарё маҳалласида туғилган. Ёшлигидан ҳайдовчилик касбига меҳр қўйган қаҳрамонимиз, мана ўттиз беш йилдирки, эл хизматида. Шуҳратжон Бургансой – Каттакўрғон йўналишидаги автобусни бошқаради. Халқ учун хизматга бел боғлаган бу инсон ўзининг ҳалол меҳнати билан эл элтибор топди.

– Мақсадим, элга хизмат қилиш, – дейди у. – Одамларнинг узогини яқин, оғирини энгил қилиб, манзилларига ўз вақтида элтиб қўйишни ўзининг бурчим, деб ҳисоблайман. Автобусдан фойдаланаётган йўловчилар Шуҳратжоннинг самимий му-

омаласи ва хизматидан кўнгиллари тўқ эканликларини мамнуният билан тилга оладилар. Ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам ўз масъулиятини ҳис этган ҳолда, йўловчиларни манзилларига етказишга ҳаракат қилади.

– Шундан хурсандманки, узоқ йиллик иш фаолиятим давомида бургансойликлар билан туғишган оға-инидек бўлиб кетганман. Улар хурматимни жойига қўйиб, тўй-маъракаларига таклиф қилишади, – дейди Шуҳратжон.

Эл хурматига сазовор бўлиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Шуҳратжон ўз касбига бўлган муҳаббати туфайли элда обрў топди. Биз ҳам эл орасида ўз касби билан фахрланганимиз ва халқимизга хизмат қилишни ўзининг инсонийлик бурчи, деб билган Шуҳратжон каби касб эгалари борлигидан қувонамиз ва Шуҳратжонга соғлиқ-омонлик, ҳамisha йўллари ойдин бўлишини тилаймиз.

Файзулло ТУРДИЕВ

Адиб ва журналист Холбой ҚОСИМОВ 70 ёшида

Ҳалол меҳнат қилган киши элда азиз, деб бежиз айтилмаган. Ҳаётда шундай инсонлар бўладики, юзлари қалбларни ёритади, ширин суҳанлари дилларни яшнатади. Ҳар бир сўзи бир китоб, ҳаёт йўли моҳитоб бўлиб ўз давридаёқ замондошларий, авлодларининг эъзозу хурматларига сазовор бўлади. Бундай мураккаб ва шарафли йўлни босиб ўтиш учун эса кимгадир умр етишмайди, кимгадир сабр-тоқат, кимгадир илму урфон камлик қилади.

Адолат куйчиси

Биз санаб ўтган эзгу амаларни тўлатуқис амалга оширишга қурби етган замондошларимиздан бири устозимиз, таниқли адиб ва журналист Холбой Қосимов бўлади, десак муболаға бўлмайди. Бундай фидойи инсонлар давлатимизнинг, жамиятимизнинг равнақи, гуллаб яшнаши учун ёниб яшашни, ҳақиқат ва адолатнинг кўзига тик боқиб, бор куч-ғайратларини унинг тантана қилишига сарф этишни, бу оғир ҳамда машаққатли йўлда асло чекинмасликни сўнгги нафасигача иш фаолиятининг бош мезони деб билдилар. Журналист сифатида шунга амин бўлдимки, эл-юрт тараққиётига муносиб хисса қўйиши, юртимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг туб моҳиятини қалбдан ҳис этган ҳолда, давлатимизнинг юксак талаблари даражасида самарали меҳнат қилиш учун пойтахтда қолиб ёки яшаб фаолият кўрсатиш асло шарт эмас. Бундай инсонлар туманларда ҳам қўллаб топилади. Юбилейимиз ҳам ёшлигидан журналист бўлишни орзу қилиб, бу оғир ва машаққатли касбнинг бошини тутиш учун сабот билан ўқиди, изланди, ижод қилди ва асло кам бўлмади. Бугунги кунда унинг номи таниқли адиблар, журналистлар қаторида тилга олинмиши фикримиз исботидир. Бундан биз,



булунгурликлар ҳар қанча фахрланасак арзийди.

Журналист Холбой Қосимов 1954 йили туманимизнинг “Бедана” қишлоғида туғилган. Ҳозирги ўзМУнинг журналистика факультетини тугатгач, “Ўзбекистон овози” газетасига ишга қабул қилинади, таниқли адиблар, журналистлар билан ёнма-ён ишлаш шарафига муяссар бўлади. У ўз устиди сабот

билан изланади, ўрганади. Кўп ўтмай аксарият босма нашрларда унинг публицистик мақолалари, суд очерклари, трагик хикоялари чоп этила бошлайди.

Х.Қосимов Булунгур дostonчилик мактабининг асосчиси, бахши шоир Фозил Йўлдош ўғлининг 2022 йили ўтган 150 йиллик юбилеи олдидан “Фозил Йўлдош” МФЙ худудидаги уй музейини янгидан барпо этиш, уни ноёб

ва нодир экспонатлар билан бойитиш, ҳаёти ва ижодига оид турли хил тарихий қимматга эга ҳужжатларни, қўлёзмаларни, фотосуратларни тўплаш ишларида алоҳида жонбозлик кўрсатди. Бундан ташқари, бахши шоирнинг ҳаёти ва ижоди, бой тарихий меросига бағишлаб ёзган 20 дан ортиқ мақолалар туркуми, очерклари туман, вилоят, республика матбуот нашрларида, ижтимоий тармоқларда кенг ёритилди. Фозил Йўлдош ижоди ва бой тарихий меросига бағишланган бу каби публицистик мақолалари газетхонлар ҳамда фольклоршунос олимлар ўртасида қизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди.

Холбой Қосимов ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган “Пул ва қон”, “Трин кард талвасаси” асарларида жиноятчиликнинг жирканч ва ёвузликка тўла оламни кескин фош этади. Шу йил чоп этилган “Қадрият” номли китобида эса, унинг сўнгги йилларда ёзган публицистик асарлари, очерклари, хикоялари ўрин олган.

Яқинда, яъни август ойида Холбой Қосимов 70 ёшга тўлади. У айна шу кунларда ҳам ўз зиммасига юклатилган вазифаларни, жамоат ишларини адо этиш баробарида ижодий ишлар билан машғул. Юбилейимизга қутлуғ ёшингиз муборак бўлсин, дея кейинги ижодий ишларига омад тилаб қоламиз.

Ғулом ўРОЛОВ, “Булунгур ҳаёти” рўзнамаси муҳаррири.

Реклама

Advertisement for AMMI AKLI SELITRA fertilizer. Includes logos for MAXAM-CHIRCHIQ, product images, and contact information for Manzil: Toshkent viloyati Chirchiq shahri Toshkent ko'chasi 2-uy.

Алломадан бир ҳикмат

ҚИСҚА МУЛОҲАЗА

Илм йўлида шижоатли аждодларимизнинг ҳеч бир ҳикмати бежиз бўлмагани каби пурмаъно сўзлари ортида ҳаётий ҳақиқатларнинг яшаётганига амин бўлиб бораверимиз.



Ўзбек маърифатпарвари, шоир ва жамоат арбоби Абдулла Авлонийнинг илм ва унинг самараси хусусидаги қўйидаги сўзлари эса замон ва макон танламай, муҳимлигини мустаҳкамлаб бораверади:

“Илм саҳрода – дўст, ҳаёт йўларида – таянч. Ёлғизлик дамида – йўлдош, бахтиёр дақиқаларда – раҳбар, қайғули онларда – мададкор, одамлар орасида – зебу зийнат, душманларга қарши курашда – қуролдир”.

Дарҳақиқат, инсоннинг жони унинг илми билан ҳам зийнатланади ва сақланади. “Илм саҳрода – дўст, ҳаёт йўларида – таянч” – бугунги даврда инсоннинг саҳрода ёлғиз қолиб кетиши муболаға кўринса-да, ҳаёт йўларининг синови қунлариди бир қўлгум сувга зордек ва чорасиздек кўринадиган дамлар ҳам бўлади. Шундай онларда илмгина уни соқилликка ва хотиржамлик билан турли масалаларни ҳал этиш мумкинлигига ундай бошлайди. Айнакча, ҳаёт сабоқларига тўйинган инсон ўзини саҳрода қолганини ҳис этиши билан айна ҳолларда донолар қандай йўл тутишганини ёдга ола бошлайди ва қарабсизки, амалда синалган усуллар билан ўзини ўнглашга куч топа олади. Бу эса ҳаёт йўларидаги таянчдир.

Абдулазиз РУСТАМОВ, ЎЗА мухбири.

Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекси таркибидagi ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир: ЧОРИ ЛАТИПОВ

Таҳрир хайъати: Табрoхoм АБДУРАХМОНОВ, Шавкат ХАМРОЕВ, Актам ХАЙТОВ, Махмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Раимқул СУЯРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. НАШР ИНДЕКСИ – 144. Буюртма Т-817. 1100 нусхада чоп этилди. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Таҳририят манзили: Тoшкент вилояти Қиррай тумани, Университет кўчаси, 2-уй. Телефонлар: 95-080-43-70, 99-050-69-45. Реклама ва эълонлар – (998 90) 317-19-16. e-mail: info@qishloqhayoti@mail.ru Баҳоси келишилган нархда. Газета “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Босмахона манзили: “Буюк Тўрон” кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6



Босишга топириш вақти: 21.00 Босишга топириши: 18.00